



Яхшилар ёди

БУ УЙНИНГ ЧИРОҒИ ҲЕЧ ҚАЧОН ЎЧМАЙДИ

Мен бир умр Тошкент иссиқлик электр станциясида ишладим, шу ерда обрў-эътибор топиб, Меҳнат қаҳрамони деган юксан унвонга сазовор бўлдим. Яқинда бир даврада ўтирганимизда мен ўз вақтида Шароф Рашидовичнинг қизлари академик Сайёра Рашидованинг кўйидаги сўзларини ўқиганимни уларга айтиб бердим: «Назаримда, отамдан катта бир уй мерос қолди. Унда асл ўзбекона фазилатлар – фидойилик, камтарлик, ҳалоллик, покизалик, ширинсуханлик камол топади. Халқимиз омон экан, бу уйнинг чироғи ҳеч қачон ўчмайди. Зеро, эл-юртимиз халқ учун ўз ҳаётини, бутун борлигини бахшида қилган фарзандларини ҳамиша бошига кўтаради».

Иншооллоҳ, бу уйнинг чироғи ҳеч қачон ўчмасин! Албатта, бу ерда гап рамзий чироқ тўғрисида кетмоқда. Лекин мен, халқимизга нур улашувчилардан бири бўлганим учун, шуни айтишим керакки, улкан маҳорат билан Ўзбекистонга чорак аср раҳбарлик қилган Шароф Рашидов энергетика масалаларига, мамлакатимиз энг чекка жойларига ҳам чироқ етказиб бориш ишларига алоҳида эътибор берар эдилар.

(Давоми 6-саҳифада)



Кўнғил мулки

СОҒИНЧ САЛТАНАТИ

Адабиёт, инчунун шеърият ажиб бир муқаддас даргоҳки, унда ҳамиша эзгулик, ҳақиқат, муҳаббат зиёси порлаб туради. Инсон кўнғили шу боис, эзгулик, ҳақиқат, муҳаббат манбаи бўлган – шеъриятга интилади. Шеърият ҳар бир юракни ошуфтаҳол этиш баробарида инсон кўнғилининг чексиз сарҳадларини забт этади.

Шеъриятда Ватан мавзусини куйламаган шоир топилмайди, лекин ҳар кўнғил Ватанни ўз тафаккури ва идрокча кашф этади.

*Ватан надур, сўнмаган
Ёрқин юлдуз – қароқдир,
Бош эгишга кўнмаган
Ватан — жасур Широқдир,*

дейди таниқли шоир Минҳожиддин Мирзо “Ватан надур” шеърида. Муаллиф мавзуни тадрижан ривожлантира бориб Ватанни “Муқаннаннинг кўзида, Шаҳид Кубро сўзида, Амир Темур изида ёниб қолган чироқ”ка ўхшатиб, ташбеҳдаги ранглари янада қуюқлаштиради. Фурқатни куйлатган, Бобурни бўзлатган, соғинч титроқ ҳам шу Ватан эмасми?

Булбулга тикандан озор етса ҳам унга ўзининг гулзори азиз бўлганидек, шоирга бошидан зар тўкиб тилло сочса ҳам бир сиким тупроғини ўзгага раво кўрмайди.

Хоҳ гўжа, хоҳ ёвғон бўлса-да, унинг учун шу юртнинг ошидан тотлироқ таом борми? Шоир Ватан туйғусини ҳатто муҳаббатдан ҳам устун қўйиб, мазкур сатрларни битади:

*Ёрдан диёримни ортиқ севмасам,
Куйсин мендай ошиқ икки дунёси.*

Бу мавзуда шоир билан баҳслашиш ортиқча, чунки у ҳақ.

Ота макон, Она Ватан ўтмиши ҳақида ўйлаганимизда кўз ўнгимизда нималар жонланади? Табиийки, шу Ватан ор-номуси учун курашган, шу тупроқ учун жонини фидо қилган буюк аждодлар – Широқ, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Бобур ва шубҳасиз, XX аср бошида яшаб ўтган жадидлар – Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носирлар сиймоси жонланади.

Шоирнинг бу зотларга эҳтиромини кўплаб шеърий изҳорларда кўрамиз. Улуғ сиймо Абдурауф Фитрат хотирасига бағишланган “Мен билган дунё” шеърида шоир “Дилим қон, юрак хун бўғилиб бўзлаб, хурлик манзил тиккан маконни кўзлаб, оқибат элимнинг муродин сўзлаб, бир гўзал дунёнинг ичидан ўтдим”, дея шоир Фитрат яшаган ғурбат замоннинг тасвирини берса, шеър давомида юртнинг истиқлолга эришганидан қувончи ичига сиймай “Озодлик” деб куйлар бунда ҳар булбул, “Озодлик” деб куйлар булбул-ла ҳар гул,” “Озодлик” деб куйлар мудрамагил, тур, бир гўзал дунёнинг ичидан ўтдим”, дея хайкиради.

(Давоми 8-саҳифада)

Депутат минбари



НАФАҚАЛАР ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИГА ЕТКАЗИЛАДИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда ишсизлик даражасини камайтириш ва аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Қонунчилигимизда, хусусан, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси ва “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонунда ҳам ишсизлар, ёшлар, аёллар, меҳнат бозорида иш топишга қийналадиган шахслар, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли тоифаларини ишга жойлаштириш алоҳида қайд этилган.

Ўтган қисқа даврда бу борада салмоқли ишлар қилинди. Жумладан, амалдаги тартиб бўйича иш билан банд бўлмаган фуқаро маслаҳат олиш ёки иш изловчи сифатида рўйхатдан ўтиш учун бандлик органига мурожаат қилиши лозим. Бунда, унинг кам таъминланганлик тоифасидан чиқиш мақсадида иш билан таъминланишга ҳаракатини инобатга олиб, расмий бандлик талаб этилмайди.

Лекин амалиётда фуқаролар ушбу имтиёздан бошқа мақсадда фойдаланмоқда. Яъни, улар фақатгина нафақа тайинланишини сўраб бу органга мурожаат қила-

ди, тайинлангач эса иш ўрни сўраб қайта келмайди. Бундан фуқаролар “бандлик органига иш эмас, нафақа учун мурожаат қилмоқда”, деган хулосага келиш мумкин. Ҳатто норасмий даромад олаётган фуқаролар ҳам “маслаҳат олиш” учун мурожаат қилиб, аслида болалар нафақаси олаётир. Бу эса даромадини расмийлаштирган, болалар нафақаси олмайдиغان ҳақли оилаларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда.

Шундай ҳолатларнинг олдини олиш, бу борадаги бўшлиқни тўлдириш ва фуқароларга аниқ, манзилли ижтимоий ҳимоя кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон кўринишда ариза беришни жорий этиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-саҳифада)

НАФАҚАЛАР ҲАҚИҚИЙ ЭҒАСИГА ЕТКАЗИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Ҳужжатга биноан киритилаётган ўзгартишларга кўра, нафақа тайинлаш учун оиланинг ишсиз аъзоси иш излаб бандлик органига мурожаат қилганида унга 3 ой муддатга нафақа тайинлаш ҳамда ушбу даврда унинг иш билан таъминланиш ҳолатини автоматик равишда мониторинг қилиш тизими белгиланмоқда. Бунда, иш қидираётган фуқаро меҳнат органларининг мақбул келадиган ишга доир таклифларини икки ва ундан ортиқ маротаба рад этса, нафақа тўхта-тилади.

Маълумот тариқасида айтиб ўтиш лозимки, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими бандлик органларида жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган хизматларни ҳисобга олувчи “Бандлик хизмати” ахборот тизими билан интеграция қилинган.

2023 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бандлик бўлимларига 1 444,1 минг нафар фуқаро мурожаат қилган. Уларнинг 555,3 минг нафарига бандлик соҳасидаги хизматлар кўрсатилган бўлса, 954,5 минг нафарига ҳуқуқий маслаҳат берилган. Маслаҳат хизмати кўрсатилган фуқаролардан 888,8 минг нафари фақатгина болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш тўғрисида маслаҳат олган бўлиб, кейинчалик

улар бўлимларга бирор марта ҳам иш сўраб мурожаат қилмаган.

Мисол учун, Андижон вилоятининг Жалакудук тумани бандлик бўлимига қайд этилган даврда 2,3 минг нафар фуқаро мурожаат қилган. Уларнинг 1,7 минг нафарига бандлик, 605 нафарига маслаҳат бериш хизмати кўрсатилган. Маслаҳатдан баҳраманд бўлганларнинг 576 нафари иш сўраб қайта мурожаат қилмаган ва бандлик хизматидан фойдаланмаган.

Ўтган 9 ой давомида республика бўйича маслаҳат хизмати кўрсатилган фуқароларнинг атиги 65,6 минг нафари бундай бўлимларга иш қидирувчи шахс сифатида қайта мурожаат қилган ва хизматларидан фойдаланган. Уларнинг 50 минг нафарига ишга жойлашишда кўмаклашилган, 14,8 минг нафари касб-хунарга ўқитиш, 11,2 минги жамоат ишларига жалб қилинган ва 4,8 минг нафари ишсиз деб эътироф этилган.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатяптики, аксарият ҳамюртларимиз бу органларга ишга жойлашиш ёки бандлик хизматларидан фойдаланиш учун эмас, асосан болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинланиш учун рўйхатдан ўтиш мақсадида мурожаат қилган. Маслаҳат берилган фуқароларнинг аксарияти норасмий меҳнат фаолияти билан бандлиги ва кунлик даромадга эга бўлгани



сабабли таклиф этилаётган иш ва бошқа хизматларни рад қилган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор билан жорий этилаётган ўзгаришлар адолатсиз равишда нафақаларни олиш ҳолатини бартараф этади. Шунингдек, давлат томонидан айнан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни аниқлаш ва уларга тўланадиган нафақаларни манзилли етказиб берилишини таъминлайди! Бунга ҳуқуқий замин яратади.

Адхам НАЗИРҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати

МАҲАЛЛА АРАЛАША ОЛМАЙДИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистон иқтисодий фаровон, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланди. Айниқса, ижтимоий йўналишдаги ислохотлар самарасини одамлар ўз кундалик ҳаётида сезмоқда, хис этмоқда.

Юртимизда кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақа, моддий ёрдам уларнинг фуқаролар йиғинига қилган мурожаати асосида ҳудуддаги мутасадди ташкилот вакилларидан тузилган махсус комиссия қарори билан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда берилиши ҳаммамизга яхши аён.

Лекин моддий ёрдамнинг тайинланиши инсон омилига боғлиқ бўлиб қолгани туфайли ҳар доим ҳам у шаффоф, адолат тамойиллари асосида белгиланавермайди. Яъни, айримлар кишилар моддий аҳволи қониқарли бўлса-да, “олғирлик” қилиб, бу имкониятдан фойдаланишга уринади. Баъзида айрим фирибгар масъуллар томонидан моддий ёрдамни ўз қариндошлари, яқинларига ажратиб бериш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Ҳозирги кунда кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш ёки рад этиш бўйича қарор оиланинг даромади, бандлиги ва бошқа маълумотлар вазирлик ва идораларнинг

электрон маълумотларига асосан чиқарилади.

Бироқ, хорижда меҳнат қилаётган фуқароларнинг электрон маълумотлар базаси мавжуд эмаслиги сабабли, нафақа тайинлаш учун аризаларда ушбу маълумотлар маҳалла раислари томонидан белгилаб берилади. Бунда ушбу оила аъзосидан бандлик талаб этилмайди.

Амалиётда эса маҳалла раисларининг ҳам ўз ҳудудидаги оила аъзоларининг барчаси қаерда эканлиги тўғрисида тўлиқ маълумот мавжуд эмас. Натижада, ариза топшираётган оиланинг аъзосини чет элда эканлигини аксарият ҳолатда фуқаронинг сўзига асосан белгилаб берилади. Бунда, ушбу фуқаро бошқа вилоятда ёки пойтахтда норасмий иш билан банд бўлса ҳам “чет элда ишлайди” деб белгилаб бериш ҳолатлари мавжуд.

Хусусан, ўтказилган ўрганишлар давомида 2 607 та ҳолатда фуқаролар хорижда бўлмасда, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан “чет элда ишлайди”, деб белгилаб

берилиши натижасида нафақалар нотўғри тайинлангани аниқланиб, мазкур нафақа тўловлари тўхтатилган.

Шу жиҳатдан, нафақа тайинлашда инсон омилини камайтириш ва маблағларни мақсадсиз сарфланишини олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон кўринишда ариза бериш жорий этиш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳужжатга асосан эндиликда янги тартибда фуқаронинг хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётгани тўғрисида маълумотларни “Электрон ҳуқумат” ахборот тизимидан фуқаронинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетгани ва Ўзбекистон Республикасига қайтгани қайд этилган маълумотларга асосан электрон шаклда аниқланади. Бу орқали маълумотларни сохталаштириш ёки маҳалла раислари томонидан билиб-билмасдан нотўғри маълумот бериш ҳолатларига барҳам берилади.

Охирги йилларда юртимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини қучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш



кўлами ва турларини кенгайтиришга қаратилган салмоқли ишлар қилинди. Ижтимоий нафақалар ва тўловларнинг тайинланиш механизмларини такомиллаштириш орқали эса ушбу турдаги давлат ёрдамини мақсадли сарфланиши таъминланади.

Ушбу ҳужжат билан фуқароларни бандлигини белгилашда инсон омили бартараф этилиб, чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар реал вақт режимида аниқланади. Бу орқали нафақалар ва моддий ёрдам тайинлашда шаффофликни таъминланади.

Бир сўз билан айтганда, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган янги ўзгаришлар халқимизга катта руҳий куч ва ғайрат бағишлайди. Асосийси, бу каби чора-тадбирлар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш баробарида, аҳолининг давлат томонидан яратилаётган имкониятлардан тўла баҳраманд бўлишида ҳам муҳим омил бўлади.

Дилбар МАМАЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати



КИМГА ВА НИМА УЧУН КЕРАК?

1968 йилда биринчи мақолам чиққан, 1975 йилда эса тахририятга ишга кирганман. Ўшандан буён ҳаётим матбуот билан боғлиқ, яъни насибам шу соҳадан. Лекин айтмоқчи бўлган мулоҳазаларим «кўнғиз ҳам боласини оппоғим дейди», нақлидан йироқ.

Камина шу соҳадан нон топаётганим учунгина эмас, балки матбуотнинг ҳаётдаги куч-қудратини кўрганим, моҳиятини сезганим учун айрим фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Дунёда жуда кўп мўъжизалар яратилган, лекин улар тасодифий эмас, халқнинг эҳтиёжи, иқтидорнинг заковати туфайли юзага келади. Мухими, ҳаётимизнинг бир бўлагига айланади. Ва бу мўъжизалар эскирганини, йўқолганини ҳаётий тажрибамда кўрмаганман. Айтайлик, китоб, электр чироғи, радио, телевидение, телефон. Газета ҳам шуларнинг ичида. Гарчи кўриниши, шакли ўзгаргани билан уларнинг моҳияти, аҳамияти йўқолган эмас. Бинобарин, уларни йўқотишга уриниш ҳам нодонлик билан баробар.

Газета, яъни босма нашр мўъжиза сифатида ҳаётимизга кириб келган. Аввалига реклама, кейинчалик эса янгиликлар ва мулоҳазалар воситаси сифатида жамиятни бирлаштиришга хизмат қилган. Ва бугунги кунда ҳам ана шу вазифасини бажариб келмоқда. Албатта, кимдир ҳар қандай мўъжизадан ўз манфаати йўлида фойдаланишга ҳаракат қилади. Бошқача айтганда, китоб чиқариб ёки чоп этиб бойиб кетганлар, телефондан курул сифатида фойдаланаётганлар, электр қувватини ҳам манфаатига бўйсундираётганлар йўқ эмас. Бир пайтлар сканворд, рекламали газетадан пул қилганлар кўп эди. Бундай ҳолат илгари ҳам бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Шу сабабли биз бир пайтлар мўъжиза сифатида инсоният тараккиётига муносиб ҳисса қўшган ҳолатларга баҳо беришда тарозига, албатта, адолат посангисини кўймоғимиз зарур.

Матбуот жамиятнинг жарчиси бўлибгина қолмасдан, алломаларнинг бири айтганидек, халқнинг фикрини муштарак этувчи, ёки буюк жадид Маҳмудхўжа Бехбудий таъкидлаганидек, тилимизнинг софлиги учун курашувчи ҳамдир. Матбуотга муносабатимизда унинг барча имкониятларини ва хизматларини ҳисобга олиши зарур.

Албатта, жамиятнинг ўзгариши, тизимнинг ўзгариши ундаги сиёсий кучларнинг, бошқарув воситаларининг, ҳатто ижтимоий муносабатларнинг ҳам айрим жиҳатларини ўзгартириши табиий. Бундай пайтда ҳар ким кўрпани ўзига тортиши бор гап. Лекин биз маънавиятимизда-

ги қайсидир воситани алмаштирмоқчи бўлганимизда, ниманидир ўзгартирмоқчи бўлганимизда унинг ўрнига топган нарсамиз бизнинг эҳтиёжларимизни қондира оладими, деган саволга ҳам жавоб топишимиз керак.

Газета – ҳаётнинг акси, тарих ифодаси. Йиллар ўтиб, биз ундаги битиклар орқали ҳаётимизни таҳлил қиламиз, баҳо берамиз. Айримлар айтганидек, муайян бир даврда газеталаримиз

Газетанинг инсон руҳиятига таъсири шундаки, у ички интизомни ўргатади, яъни ҳар ким ёзган сўзига, айтган сўзига жавоб беради. Бинобарин, бу гапни, бу ёзувни ўчириб ҳам, куйдириб ҳам бўлмайди – тарихда қолади.

фаоллиги сусайган бўлса, уни йўқотиш эмас, балки жонлантириш йўллари қидирайлик. Чунки газета ўқимаслик, энг аввало, кишининг (ёши катталарни назарда тутяпман) саводини хиралаштиради, мутолаа завқидан бебаҳра қолдиради. Газета ўқимаган одам реал воқеликни эмас, одамлар билан, яқинлари билан кўчадаги гапларни муҳокама қилади ва энг ёмони, ана шу одатга кўникиб қолади.

Газетанинг инсон руҳиятига таъсири шундаки, у ички интизомни ўргатади, яъни ҳар ким ёзган сўзига, айтган сўзига жавоб беради. Бинобарин, бу гапни, бу ёзувни ўчириб ҳам, куйдириб ҳам бўлмайди – тарихда қолади.

Газета одамни мушоҳадага ўргатади. Ундаги мақолани ўқиб, фикр билдирасиз, мулоҳазаларингизни ёзасиз.

Яшириб ўтирмайман, ҳозирги кунда газетага қарши чиқаётганларнинг аксарияти ўзининг муносабатини маданиятли тарзда ва тартиб-таомили билан кўпчиликка намоиш қилмаяпти. Чунки газета кўполликни, бировнинг нафсониятига тегиш, ёлғон ахборот бериш ҳолатларини ҳазм қилмайди.

Газета ҳеч нарсага, ҳеч қачон рақобатчи бўлмаган: телевидениега ҳам, телефонга ҳам, интер-

нетга ҳам. Чунки унинг вазифасини бошқа ҳеч қайси ахборот воситаси бажара олмайди.

Мажбурий обуна ҳақида кўп гапирилди. Баъзан ўйланиб қоламан: ўқитувчиларнинг малака оширишлари, айрим касб эгаларини қайта тайёрлаш, семинарлар ўтказиш ихтиёрий тарзда бўляптими? Унда нега биз одамларни, уюшмаган аҳолининг маънавиятини ошириш учун қилаётган савий-ҳаракатимизни мажбурий деб баҳолашимиз керак? Қани, бу ишни ким ихтиёрий қила олади? Қайси давлатда газеталарда фақат кимдир танқид қилиш ёки камчиликларнигина кўрсатиш вазифаси қўйилган?

Яна бир мулоҳаза: айнан мажбурий обуна иборасини ўйлаб топганлар, бутун республика бўйича айнан обунани уюштириш учун юзлаб МЧЖлар очганию ташкилотларнинг, одамларнинг қанчадан-қанча маблағларини алдов йўли билан ўзлаштириб кетганликларини кўрмай турибмизми? Агар обуна мажбурий бўлса, бу ҳолатга нима дейсиз?

Бугун жамиятдаги маънавий қусурлар, кўш диплом билан ҳам икки қатор маълумотномани эплаб ёза олмаётган мутахассислар, фикрларини бировларга айтиб ёздирётган раҳбарлар савияси муайян миқдорда газета ўқимаслигимиздан ҳам келиб чиқмоқда. Чунки газета бизга муносабат билдириш малакасини ўргатади, саводимизни чархлайди, дунёдан хабардор этади. Шундай экан, камина бундай шарафли вазифа давлат ҳимоясида бўлмоғи шарт деб ҳисоблайман.

Жуда кўп мамлакатларда давлат ўз нашрларини ўзининг ҳисобидан чиқариб, халққа тарқатади. Чунки у маърифатли, дунёдан хабардор, давлат сиёсатини биладиган фуқаро савиясидан манфаатдор. Журналист эса бу борада ана шу вазифанинг ижодий қисмини бажарадиган эркин шахсдир.

Давлатимиз раҳбари Самарқанддаги учрашувларнинг бирида бугунги давр шиддати одамлардан юксак маънавиятли, билимли, саводли бўлишни талаб қилаётганлигини айтар экан, энди раҳбар ўз ходимларида ана шу фазилатларни ҳам шакллантириши зарурлиги талабини қўйди. Яъни, ходимларни театрда, кинога, концертларга олиб бориш, ташкилотда турли бадий дасталарни ташкил этиш - бу ходимлар маданияти юксалтиришга хизмат қилишини таъкидлади. Ана шу ўринда мен газетани ҳам кўшишни истардим. Негаки, ижтимоий фаолликнинг манбаи, энг аввало, китоб ва кундалик газета-журналлардир.

Хулосам шу: маънавий эҳтиёжни пулга чақиш мумкин эмас, тахририятларни давлат, азбаройи, ўз сиёсатининг тарғиботчиси сифатида юз фоиз қўллаб-қувватламоғи, айниқса, зиёли қатламнинг мунтазам газета ўқиши учун имконият яратмоғи зарур. Замона зайли, давр талаби билан ҳар бир ижодий жамоа ва журналист ўзгариб бораверади ва шундай бўляпти ҳам.

Фармон ТОШЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ҲУҚУҚИЙ ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ



Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустақам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда “Қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойилини бош мезонга айлантириш кўзда тутилган.

Бунда урта муҳим йўналишда – биринчидан, прокуратура органлари томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишда давлат ва жамоатчилик назоратини ўзаро уйғунлаштирувчи янги тизим жорий этиш, иккинчидан, прокуратура органлари фаолияти ошқоралигини ва унинг жамият олдида ҳисобдорлигини таъминлаш, учинчидан, прокуратура тизими бошқарувида коллегиял органлар ролини кучайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсад қилинган.

Бир қарашда бу мақсадларнинг оддий одамлар ҳаётидаги аҳамияти унчалик ҳам кўзга ташланмайди. Лекин унинг туб моҳиятидаги ўзгаришларни таҳлил қиладиган бўлсак, кўз олдимизда ҳуқуқий жамиятимизнинг янги қиёфаси шаклланиши муҳимдир. Бу нималарда кўзга ташланади?

Биринчи муҳим жиҳат: янги таҳрирдаги Конституциямизда белгиланган демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат тамойилини амалда таъминлаш имконини беради.

Гап шундаки, қонунларга амалда риоя этилиши ва уларнинг ижроси тўлиқ бажарилишини таъминлаш ислохотларнинг самардорлиги хизмат қилиш билан бирга, фуқаролар онгида қонунларга ҳурмат руҳи шаклланиши ва миллий тараққиёт йўли ортга қайтмаслигига ишонч ҳосил қилишига йўл очади. Шу тариқа, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат қуриш учун мустақам замин яратилади.

Иккинчи муҳим жиҳат: прокуратура органлари фаолияти ошқоралиги ва унинг жамият олдида ҳисобдорлигига эришиш инсон қадрини улуғлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Боиси, бугун ҳуқуқ-тартибот органлари, хусусан, прокуратура тизими фаолияти оддий халқ учун ҳам очиқ тизимга айланди. Бу жараёнда асосий устуворлик фуқаролар манфаатини таъминлашга қаратилди. Шу маънода, прокуратура органлари фаолияти ошқоралиги ва унинг жамият олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш, аввало, оддий одамлар онгида жамиятда қонун устувор экани, адолат тамойиллари ҳукмронлигига ишонч ҳиссини мустақамлайди.

Учинчи муҳим жиҳат: прокуратура тизими бошқарувида коллегиял органлар ролини кучайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш мамлакатда бизнес муҳитини яхшилаш, иқтисодий

юқсалишга ҳуқуқий жиҳатдан кенг йўл очиш, чет эллик инвесторларни кўпроқ жалб этиш орқали халқимиз турмуши фаровонлигини таъминлашга эришиш мумкин бўлади.

Бу борадаги ислохотлар ҳақида гапирганда прокуратура органлари тизимида янги механизм ишга тушганини алоҳида эътироф этиш жоиз бўлади.

Гап шундаки, кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зарур имтиёзлар тақдим этиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилишга барча тизимлар орқали алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмлари, юридик шахслар ўртасидаги низоларни суд, судгача ва бошқа муқобил усуллар билан ҳал этиш имкониятларини кучайтириш устуворлик касб этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз прокуратураси фаолияти иқтисодий судлар жараёнида иштирок

иштирокига оид нормалар янада такомиллашиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Бу борада Президентимизнинг жорий йил бошида қабул қилинган “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари билан прокуратура органлари зиммасига бир қатор янги вазифалар юклатилди. Улардан бири Одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган прокурорлар корпуси фаолияти йўлга қўйилгани бўлди.

Ихтисослашган прокурорлар корпуси қандай вазифани бажаради, деган савол туғилиши табиий.

Уларнинг аниқ вазифалари бор. Судларда ишларни кўришда прокурор ваколатини таъминлаш, суд процесси бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда одил судловнинг самарали амалга оширилишига кўмаклашиш, жиноят ишлари бўйича судларда давлат айбловини фақат қонунга асосланиб, холис ва сифатли қўллаб-қувватлаш, фуқаролар ҳамда юридик шахслар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишига эришиш, суриштирув ва тергов органлари ходимларининг амалий кўникмалари ҳамда малакасини ошириш ишларига кўмаклашиш каби вазифалар шулар жумласидандир.

Бу ўринда маълумот сифатида эслатиб ўтиш жоиз, Ихтисолашган прокурорлар корпуси ходимлари ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширади. Қонунчиликда назарда тутилган ҳоллардан ташқари уларнинг судда иштироки билан боғлиқ фаолиятига бирор-бир тарзда аралашинишга йўл қўйилмайди.

Умуман олганда, янги Ўзбекистоннинг янгича қиёфадаги прокуратура органлари олдида бугун ҳар қачонгидан ҳам кенг қўламли вазифалар турибди. Хусусан, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, одамларнинг ислохотларга ишончини қозониш, конституциявий тамойилларнинг ҳаётийлигига эришиш каби вазифалар олдимиздаги муҳим вазифа ва устувор мақсадга айланди.

Бугун ҳуқуқ-тартибот органлари, хусусан, прокуратура тизими фаолияти оддий халқ учун ҳам очиқ тизимга айланди. Бу жараёнда асосий устуворлик фуқаролар манфаатини таъминлашга қаратилди. Шу маънода, прокуратура органлари фаолияти ошқоралиги ва унинг жамият олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш, аввало, оддий одамлар онгида жамиятда қонун устувор экани, адолат тамойиллари ҳукмронлигига ишонч ҳиссини мустақамлайди.

этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, прокуратура органлари иқтисодий судларда ишлар кўрилишида қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришиш, қонун устуворлигини таъминлашга киришган. Айниқса, иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўрикланадиган манфаатларини, давлат мулкни ҳимоя қилиш ҳамда ушбу соҳада қонунчиликни мустақамлаш юзасидан судда прокурорларнинг даъволари (аризалари) кўрилишида прокурор иштирокини таъминлаш орқали қонуний қарорлар қабул қилишга кўмаклашиш белгиланган.

Мавзуга доир асосий янгилик ҳақида гапирадиган бўлсак, суд ишларини юритишда прокурор

**Азизжон Жўраев,
Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани
прокурори ёрдамчиси**

17-18 октябр кунлари Пекинда глобал аҳамиятга эга катта тадбир – “Бир макон – бир йўл” лойиҳасининг 10 йиллигига бағишланган саммит бўлиб ўтди. Хитой раиси бу мегалойиҳани 2013 йилда, Қозоғистонга ташрифи чоғида эълон қилган эди.

Шу пайтгача бу лойиҳани дунёга танитиш ва дунё давлатларига бу лойиҳа доирасида ҳамкорлик қилишни тарғиб қилиш мақсадида икки йирик форум бўлиб ўтган эди. Биринчи форум 2017 йилда, иккинчи форум эса 2019 йилда ўтади. Пандемия сабаб, учинчи форум мана энди бўлиб ўтди.

ХИТОЙНИНГ ЯНГИЛАНАЁТГАН ГЛОБАЛ МАҚОМИ

Форумда, расмий маълумотларга кўра, тахминан 140 та давлатдан делегатлар иштирок этган, кўплаб давлат ва ҳукумат раҳбарлари қатнашди. Қолаверса, 30 дан ортиқ халқаро ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари иштирок этди. Жумладан, БМТ бош қотиби Антониу Гуттерриш ҳам Пекиндаги асосий меҳмонлардан бири бўлди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларидан ташқари, Хитойнинг “глобал амбиция ва лойиҳалар намоиши”да Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Европа минтақаларидан олий мартабали меҳмонлар иштирок этишди.

“Бир макон – бир йўл” – шахсан Си Жинпингнинг мегалойиҳаси ҳиобланади. Бу лойиҳа, авваламбор, Хитойча глобаллашув лойиҳасидир. Ҳар бир қудратли давлат, цивилизация ёки давлатлар ҳамжамияти келажакни, дунёни ўз манфаатлари ва қарашларидан келиб чиқиб, идеал дунё яратишни истади. Хитой ҳам ўзига хос ва ўзига мос бўлган глобал дунёни кўришни исташи табиий.

Форум доирасида учта катта йиғилиш ва яна олти кичикроқ форумлар ташкил қилинди. Форум бошида Хитой раиси Си Жинпинг нутқ сўзлади, у “Макон ва йўл” (шундай қисқартма ном ҳам қўлланилмоқда) лойиҳасини маънавий идеал қиёфасини, кадрларини тушунтиргандек бўлди. Жумладан, Си Жинпингнинг нутқида қуйидаги фикрлар муҳим эди:

“10 йил ичида темирйўлга, автомобил йўллари, ҳаво ва денгиз йўллари асосланган глобал боғлиқлик яратдик. Чексиз товарлар, капитал ва инсонлар оқими амалга оширилмоқда...”

“Минг йил ўтиб, Буюк ипак йўли яна жумбушга келмоқда. Ўзаро боғлиқлик, ўзаро манфаатдорлик, ўзаро ривожланиш тамойиллари билан иш тутамиз...”

“Бу ерда блокли мафкуравий конфронтацияга, геосиёсий ўйинларга, бир томонлама санкцияларга, иқтисодий шантажларга ва бўлиб ташлашларга ўрин йўқ...”

Бу билан Хитой раиси расмий Вашингтонга қарата “мен сен билан рақобатда бошқача фикрлайман, бошқа ўйин қоидасини яратаман ва сандан устун келаман” дегандек бўлмоқда.

Россия Федерацияси президенти Владимир Путиндан сўнг сўз навбати Қозоғистон президенти Қосим-Жўмарт Тўқаевга берилди. Тўқаев ўз нутқини хитой тилида бошлаб, рус тилида давом эттирди. Жумладан, Тўқаев “Макон ва йўл” лойиҳаси 2013 йилда айнан Қозоғистонда эълон қилинганини эслатди. Шунингдек, у “куруқлик орқали Хитойдан Европага бораётган товарларнинг 85 фоизи Қозоғистон ҳудудан ўтмоқда” деди ва бу билан лойиҳадан жуда манфаатдорлигини билдирди.

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев ҳам

Хитойлик экспертлар формунини шарҳлар экан, “Макон ва йўл”ни геосиёсий эмас, иқтисодий ва геоиқтисодий лойиҳа деб таърифлашди. Аслида эса бу лойиҳа Хитойча глобаллашув лойиҳаси бўлиб, савдо-иқтисодий ҳамкорлик орқали геосиёсий мойиллик ва қутб яратишга интилиш экани ҳеч кимга сир эмас.

форумда катта нутқ сўзлаб, кўпроқ экология масаласига жиддий эътибор қаратди. Жумладан, президент Мирзиёев “Яшил ипак йўли” лойиҳаси 2016 йилда Си Жинпингнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида эълон қилинганини эслади. Унинг таъбирига кўра, минтақа давлатлари яшил келажак борасида интенсив ҳамкорлик қилиши керак.

Форумда дунё лидерлари ўз геосиёсий қарашларини ҳам билдиришди. Жумладан, ўз нутқида Аргентина президенти Алберто Фернандес “гегемонлар ўз қудратларини йўқотмоқда” дея, Вашингтонга шаъма қилди. Қолаверса, у пандемия вақтида халқаро молиявий институт-

лар Аргентинага ёрдам бермагани, Пекин эса ўз ёрдами аямаганини кўшимча қилди.

Хитойлик экспертлар формунини шарҳлар экан, “Макон ва йўл”ни геосиёсий эмас, иқтисодий ва геоиқтисодий лойиҳа деб таърифлашди. Аслида эса бу лойиҳа Хитойча глобаллашув лойиҳаси бўлиб, савдо-иқтисодий ҳамкорлик орқали геосиёсий мойиллик ва қутб яратишга интилиш экани ҳеч кимга сир эмас. Янги даврда, глобал рақобат ҳудудларни босиб олиш ва эгаллаш атрофида эмас, балки алоқаларни шакллантиш ҳамда боғлиқликни кучайтириш атрофида кечади. Шунинг учун, Хитой бутун дунёни ўзига боғламоқчи, боғлиқликни кучайтирмоқчи.

XXI аср – бу АҚШ бошчилигидаги Коллектив Фарб ва Хитой бошчилигидаги унинг командаси ўртасидаги тирашув, рақобат даври ҳисобланади. Бу икки қудрат, икки қутб дунёга ўз кадрларини, иттифоқчиларидан иборат жамоасини тузишга шилмоқда. Пекинда ўтган “Макон ва йўл” форуми – Хитойнинг командасини шакллантириш йўлидаги уринишидир.

Хитойнинг иқтисодий ўсиши – Марказий Осиё давлатлари учун, катта хайр. Хитойнинг иқтисодий ўсишига боғланган минтақа давлатларининг иқтисодий ўсиши ҳам тезлашади. Лекин ҳали минтақа давлатларида ХХРнинг ўсиши борасида чуқур англаш ва манфаатлар жиҳатидан мувоzanатга солинган стратегия мавжуд эмас.

Геоиқтисодий манфаатдорлигимиз кучли бўлса, геомафкура, ўзлик ва геосиёсий манфаатларимиз бўйича жиддий саволлар бўлиши аниқ. Биз Пекинга қараганимизда, кўзимиз энг аввало Урумчига тушади. Шунинг учун, минтақа давлатлари ўзларининг кўплаб манфаатларини тартибга солиши керак бўлади.

Камолитдин РАББИМОВ,
сиёсатшунос





БУ УЙНИНГ ЧИРОҒИ ҲЕЧ ҚАЧОН ЎЧМАЙДИ

(Боши 1-саҳифада)

Шароф Рашидович Рашидов 1975 йил 3 ноябрь куни Тошкент иссиқлик электр станциясига ташриф буюрди ва станцияни саноат эксплуатациясига топширилиши муносабати билан барча курилиш, монтаж ва Тошкент ИЭСни ўзлаштириш ишлари қатнашчилари, бутун станция меҳнат жамоасини табриклади, ишчилар билан самимий суҳбатлашди. Шунда мен ҳам у киши билан сўрашиш ва суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлдим. Бу менга бир умр эсдалик бўлиб қолди. 1985 йил 18 сентябрда менга Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Шунда раҳматли бўлиб кетган Шароф Рашидович, бир пайтлар қўлларимни қаттиқ қисиб, муваффақиятлар тилагани хаёлимдан ўтди.

Мустақиллигимизга кўз тегмасин, мустақиллигимиз абадий бўлсин. Шу кунлар учун курашиб ўтиб кетган, Шароф Рашидовдай халқимизнинг асл ўғлонларини Аллоҳ ўз раҳматиغا олсин.

Йўлдош МУСЛИМОВ,
Меҳнат Қаҳрамони.

БАРЧАГА ЎРНАК БЎЛАДИГАН ИНСОН

Мен кўп йиллар «Ташсельмаш» (Қишлоқ хўжалик машиналари заводи) раҳбари сифатида фаолият кўрсатдим. Шароф Рашидович кўп марта бизнинг заводда бўлганлар ва мен лавозимимга мувофиқ, директоримиз Эрик Харасович Мусин, кейинчалик унинг ўрнида ишлаган Ҳамид Ғуломович Ғуломов билан бирга у кишига заводни айланишларида ҳамроҳ бўлар эдик. Шуни қайд этиш керакки, Шароф Рашидович халқ билан мулоқот қилиш устаси эди, одамлар орасига дадил кириб борар эди. У киши ҳамсухбатини диққат билан эшитар, очиқ гапиришга, дард-ҳасратларини айтишга даъват этар эди. Ҳалигача ишчимиз, кейинчалик Меҳнат Қаҳрамони бўлган Маҳмуджон Мўйдинов билан нақадар илиқ суҳбатлашганлари эсимда турибди. Шароф Рашидов охирги марта 1983 йил апрелида Ҳукумат раиси Нормухаммад Худойбердиев билан бирга заводимизга ташриф буюрди. У киши цехларда бўлди, ишчилар билан суҳбатлашди, корхона муҳандис-техник ходимлари билан учрашди. Шароф Рашидов барча ишчиларимизга ҳалол ва самарали меҳнати учун ташаккур билдирди, ҳамманинг кайфиятини кўтарди. Мен ҳозиргача Шароф Рашидовни оддий ва камтарин, барча даврнинг раҳбарларига ўрناк бўладиган даражадаги инсон сифатида хотирлайман.

У кишининг укаси Асил ака Рашидовнинг Шароф Рашидов ҳақида ёзган «Акам ҳақида хотиралар» эсдаликлар китобини ўқиб, тўғриси, жуда таъсирландим. Ҳақиқатдан ҳам она Ватанимиз узра озодлик насими эсаётган бир пайтда қанийди Шароф ака ҳам тирик бўлса-ю, бугунги мустақил диёрда ўз жонажон халки, дўсту биро-

дарлари қатори яшаса, эркин нафас олса. Аминманки, Шароф Рашидов ҳаёт бўлганида ҳеч бир иккиланмай, комил ишонч билан мустақиллик йўлини кучок очиб кутиб олган ҳолда унинг олдинги сафларида юрган бўлар эди. Чунки у ўзининг бутун ҳаёти, қилган ва қилиб улгуролмаган улуғ ишлари ҳамда ижоди билан мана шу улуғвор, афсонавор ёруғ айёмнинг келишини орзу қилди ва, энг оғир шароитда халқимиз мустақилликка эришиши учун замин яратди.

Аълоҳон МАҚСУДОВ,
меҳнат фахрийси.

ҚАЛБИ ДАРЁ, БАҒРИ БАҲОР ЭДИ

Бир куни Шароф Рашидовнинг кизлари Гулнора Шарофова билан гаплашганимда, опа, оталарининг «Севгим билан голибман, ҳар он!» шеърлар тўплами чоп этилганини айтиб, укалари Илҳом Шарофовичдан китобни олишим мумкинлигини айтдилар. Бориб китобни олдим ва у ҳақда мақола ёзиб газетада чоп этдим. Кейинчалик, дўстим профессор Нўъмонжон Раҳимжонов билан бу ҳақда, Амир Темур ҳайкалига яқин жойдаги уйларида, Асил ака Рашидов билан фикр алмашдик. Шунда раҳматли Асил ака Нўъмонжондан бугунги шоирлар ҳақида бироз гапириб беришни сўрадилар. Профессор кўплаб шоирлар ҳақида қисқа-қисқа, лекин мазмунли гапириб берганидан кейин, Асил ака: «Яхши. Менга кўпроқ Маҳмуд Тоирни ёзганлари, айниқса:

«Болам, отам ўлди дема, мен ўзингда яшайман,
Жондан азиз ўғлинг ҳам қизингда яшайман!»
деганлари кўп маъқул», – дедилар. Ушбу тўпламдаги шеърлар ҳам Шароф Рашидовичнинг кўплаб фазилатларини намоён этади.

Мен вақти-вақти билан атоқли давлат ва жамоат арбоби, академик Оқил Умурзоқович Салимов, меҳнат фихрийлари, Собир Шералиевич Курбонов, Аълоҳон Набиҳонович Мақсудов, Шавкат Тўраевич Тўлаганов ва бошқалар билан учрашганда, гап айланиб келиб, Шароф Рашидовичга келади. Шунда хаёлимда кўплаб ўтиб кетган кадронларнинг хотиралари жонланади.

Академик Оқил Умурзоқович Салимов Шароф Рашидовни доим «У киши буюк, ҳақиқий ҳазрати инсон эди», – деб катта ҳурмат билан эслайди. Устоз, 15 йил Тошкент вилоятига раҳбар бўлган Мирзамаҳмуд Мусахонов «Шароф Рашидович қалби дарё одам. У киши яна кимга яхшилик қилсам экан, яна кимни бошини силасам экан деб яшарди», – дердилар.

Бухоро, Наманган вилоятларига ўз вақтида раҳбарлик қилган, машҳур чўлқувар амакимиз Абдулхай ака Тоиров бир кун шундай ҳикоя қилдилар: 1947 йил. Мен Мирзачўл (ҳозир Гулистон) туман партия қўмитасининг биринчи котибиман. Куз. Ёмғир ёғиб турибди. Бир пайт «Қизил Ўзбекистон» газетасига яқинда Бош

муҳаррир этиб тайинланган Шароф Рашидович Рашидов келиб қолдилар. У киши бир колхоздаги партия мажлисида иштирок этишлари керак эди. Мен «Шароф Рашидович! Ҳавони кўриб турибсиз. Йўллар лой, балчик. Бизнинг «Виллис» машинамиз тикилиб қолиши мумкин. Ёнимиздаги хўжаликда ҳам бугун мажлис, шунга борақолайлик», – дедим. Шароф Рашидович унамадилар: «Марказком тасдиқлаган рўйхатга асосан, шу хўжаликдаги мажлисда қатнашим керак», – дедилар. Мен ноилоҳ, МТСга кўнғироқ қилиб, трактор чакирдим ва ҳайдовчи билан учовимиз мажлисга бориб кайтдик. Шароф Рашидович хурсанд бўлиб, Тошкентга қайтиб кетдилар.

«Ўзбекистон овози» газетаси 100 йиллиги арафасида, Бош муҳаррир раҳматли Сафар Остонов билан гаплашиб, мен тегишли мақолани ёзганим бўлди. Шунда газета жамламаларини варақлаб, ўша тракторда колхозга бориб келинган воқеа бирорта из қолдирганмикан деб, изладим. Лекин топа олмадим. Шунда бирдан, А.Тоировнинг «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1947 йил 15 декабрь сониди «Мирзачўлни пахта конига айлантираммиз!» номли мақоласига кўзим тушиб қолди. Буларнинг ўртасидаги кадронлик ўша пайтдан бошланган экан. Абдулхай ака Шароф Рашидовични эслаганларида: «У киши ҳеч кимни қатордан чиқармасдилар. Қаторга қўшсалар қўшардилар, лекин қатордан чиқармас эдилар. Ким қайси ишда ўзини яхши кўрсата олишини билиб, шунга қараб, ҳаммани жой-жойига қўяр эдилар», – дердилар.

Ўтган асрнинг бошларидан бутун бир миллатнинг энг илғор кишиларини, зиёлиларини қатағон қилиб келган мустабид тузум Шароф Рашидов фожиаси фонида бутун бир миллатни қирғин қилди. У вафот этганидан кейин бир неча йил давомида бир тўда ёвуз ниятли кимсаларнинг кутқуси билан юзлаб, минглаб ҳалол, меҳнаткаш инсонлар тақдири Шароф Рашидовнинг номи билан боғланиб, турли уйдирма, таъқиб ва қувғинларга гирифтор бўлди. «Оқ пахта»нинг «қора меҳнат»ида тобланган жуда кўп одамлар қамалди, отилди. Улар тухмат балосига йўлиқиб, бу номулға чидаёлмай ўз жонига қасд қилди, дунёдан бевақт кўз юмди.

Аслида бу бир шахсининг қисмати эмас, балки давр фожиасидир. Энг буюк ҳакам — вақт. Худди шу вақт ҳамма нарсани ўз жойига қўяди. Вақт шафқатни билмайди. Ҳозир «ўзбеклар нши» атрофидаги гаплар бутун бир миллатга хусумат ва суиқасд қилишдан бошқа нарса эмаслиги маълум бўлиб қолди. Шароф ака халқни, ватанни ардоқлади, мудом эл-юрт ташвишида юрди. Шу мушфиқ халқ, эл-юрт манфаатларини, шу манфаатлар йўлида курашишни ҳар нарсадан устун қўйди.

Носир ТОИРОВ,
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси,
меҳнат фахрийси.

ЧЎККАН ПОЛ, ЁРИЛГАН, ҚИЙШАЙГАН ДЕВОРЛАРНИ КИМ ТЎҒРИЛАЙДИ?



Жумладан, Тойлоқ туманининг Боғизоғон маҳалласидаги 1-касб-хунар мактабининг киравериши пол қисмининг бетон қопламаси чўккан, спорт залининг болалар кийиниш хоналари таъмирталаб аҳволда — деворлар ёрилган, пол қисми бетон қопламалари кўчган, хона деворидан ўзбошимчалик билан дудбўрон (димоход) учун катта тешик очилган. Бу ҳеч қандай қурилиш стандартига тўғри келмайди.

Спорт залидаги жиҳозларни сақлаш хонасининг юқори қисмидаги, кийиниш хонасидаги таянч устунлар ҳамда зал йўлакларининг пол қисмида ёриқлар пайдо бўлган. Зилзила бўлган вақтда бу ёриқлар бинонинг нафақат қулаб тушиш хавфини оширади, балки маскандаги ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ҳаётини хавф остида қолдиради.

Туманнинг Жумабозор маҳалласида жойлашган 60-умумий ўрта таълим мактабидаги ҳолат ҳам кўнгилдагидек эмас.

Таълим муассасасининг девор қисмида ёриқлар пайдо бўлган. Бинонинг чўкканлиги оқибатида деворлар қийшайган. Зилзила бўлмасдан туриб ҳам бинонинг қулаб тушиш эҳтимоли катта. Муассаса фаоллар залининг том қисмидан сув ўтиб, бетон плиталарнинг бардошлилигига салбий таъсир кўрсатган.

Самарқанд вилояти Тойлоқ ва Паст Дарғом туманларидаги айрим муассасалар биноси талабга жавоб бермайдиган аҳволда. «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати вилоят бўлинмаси ташаббуси билан Тараққиёт стратегиясини қўллаб-қувватлаш бўйича вилоят жамоатчилик гуруҳи, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси вилоят ҳудудий бўлинмаси ходимлари ҳамкорлигида Тойлоқ ва Паст Дарғом туманларидаги бир нечта таълим муассасалари биноларининг зилзилабардошлик даражаси ўрганилди.



Узунқишлоқ маҳалласидаги 58-умумий ўрта таълим мактаби спорт анжомлари сақланадиган хонанинг том қисми ва девор ўртасида ёриқлар пайдо бўлган. Спорт залининг том қисмидан сув кетган, бетон плиталарнинг ораси очилиб қолган, зал биносининг чўкиши оқибатида кийиниш

хонаси деворларида ёриқлар пайдо бўлган. Булардан ташқари, муассаса биносининг йўлаклари, ошхонасининг пол қисмида чўкиш ҳолатлари кўзга ташланади.

Паст Дарғом туманининг Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми биносига кираверишдаги деворлар чўккан, ошхона ҳамда йўлаклардаги ёрилган деворлар бетон плитадан ажралиб қолган. Бинонинг ташқи фасадида ҳам йирик ёриқларни кўриш мумкин. Фаоллар залининг том қисмидан сув ўтиб, бетон плиталарга зиён етказган.

Таълим маскани ёнгин хавфсизлиги талабларига жавоб бермайди. Ёнгин хавфсизлиги бурчаклари тўлик жиҳоз-

ланмаган, ўт ўчириш шитлари очик ҳолда? Бино ички йўлакларининг пол қисми чўккан.

Шу каби камчиликлар тумандаги 126-умумий ўрта таълим мактабида ҳам кузатилди. 31-умумий ўрта таълим мактаби биносининг ички йўлаклари девори чўккан, бинонинг ташқи фасадида катта ёриқлар пайдо бўлган. Маскан синфхоналарида ёритиш чироклари ўрнатилмаган, спорт залининг том қисмидан сув ўтиши оқибатида бетон плиталар ярқисиз ҳолатга келяпти. Мактаб ҳожатхонаси ҳамда ҳовли деворларида ёриқлар бор.

Биз гувоҳ бўлган айрим таълим муассасалари биноларидаги ачинарли ҳолатлар ўқувчилар ва ўқитувчилар ҳаётига хавф туғдириши мумкин. Шунинг билан бирга, юқорида таъкидланган камчиликларни бартараф этиш масалаларини тегишли мутасаддилар жиддий ўйлаб кўриши лозим.

Элёр ҲАМРОЕВ,
«Юксалиш» умуммиллий
ҳаракати Самарқанд вилояти
бўлинмаси раҳбари.

ЖАМИЯТ
BONG.UZ

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим ўзгариши
вазирлиги

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкилотлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1110
Адади: 1015.
Пайшанба кунни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жиҳатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
98-111-48-29
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6





(Боши 1-саҳифада)

Соғинч салтанати

(таниқли шоир Минхожиддин Мирзо ижодига айрим чизгилар)

Муаллиф бир қатор шеърларда Чўлпон сатрларидан иқтибослар келтирганини ёки Чўлпонга бағишлаб шеърлар бағишлаганини назарда тутсак, буюк жадидга алоҳида ихлос ва муҳаббатнинг гувоҳи бўламиз. Бу албатта, бежиз эмас.

*Турк жононга топмадим
Шероз аро бирор маскан?
Ё, Ҳофизга ёқмабдим
Ё, Шерозни аяр ростдан?*

*Кўнги́л ила, бугун бехос –
Бир байт боис кулишидик биз.
Очиққўллик шоирга хос,
Айблаб юрманг Ҳофизни сиз!*

сатрлари соҳибқирон билан машҳур форс шоири ўртасида кечган ўша мулоқотни хотирамиз лавҳида ёрқин бўёқларда жонлантиради.

Инсоният тарихи доим кураш, жангу жадалларга тўлиб тошган. “Тунги ўйлар” шеърида шоир узоқ ўтмишни бир-бир хаёл чиғиригидан ўтказаркан, кўплаб саволларга рўбарў келади. У “оқил жонзот кўнгилида жоҳилият абадий ҳоким”-лигидан чексиз изтиробга ботади. “Мўъжизалар жамланган олам, шоширади ақлу хаёлим, Миср эҳромларин қурдирган, фиръавнлар олимми, золим?” ёки бўлмаса “У қайники макон этса гар, Девор ичра асрар жонини, Бир-биридан асрамоқ бўлар, Бир-бирининг тўқар конини” дея афсус – надомат чекади. Мазкур шеър шу маънода одамни ўйлашга, тўхташга ундайди. Абадият гулзорини кезиб юрган шоирнинг муҳаббат тимсоли – Тожмаҳални учратиши бизни некбинлик сари чорлайди. Нафс ва жаҳолатдан тийилишга даъват этади. Ҳа, меҳр-муҳаббат, иймон-оқибатгина аҳли инсониятни қутқарувчи буюк халоскордир!

Истиклол туфайли ислом оламида улкан шон-шухратга эга олимларимизнинг табаррук номлари юзага чиқиб, бутун залвори билан бўй кўрсатди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Имом Могуридий, Нажмиддин Кубро, Бурхонуддин Марғиноний, Хўжа Аҳмад Яссавий ва ҳоказо.

Шоирнинг “Қайғу гули” достони, “Соҳибқирон ёғдуси”, “Соғинч салтанати” туркумлари улуғ аждодлар ҳаёти ва ижодига ихлосу муҳаббат ҳосиласи сифатида майдонга келган.

Шоирнинг ўтли сатрларида улуғ боболарнинг нафасини туямиз. Ўзига хос мураккаб сюжетга эга “Қайғу гули” достонида муаллиф эл орасида шоҳ Машраб номи билан машҳур шоир, қаландар Бобораҳим Машрабнинг Аналҳақ кўйида ёнган изтиробли ҳаётини акс эттиради. Фаришта ва иблис баҳси асносида гарчи инсоннинг ожиз жиҳатлари бўлса-да, шу баробарида инсоннинг эзгулик, иймон томонга интилиб яшаши аён кўринади.

Достондаги Шоир, Девонаи Машраб, Фаришта, Иблис тимсол-образлари мулоқоти давомида Девонаи Машрабнинг авлиёуллоҳ зот экани яққол очиб борилади:

*Асфиё – пок кўк насими борлигимни ўрайдур,
Шаффоф бадан кўринмас*

*хур сочларимни силайдур,
Ниҳонимдан огоҳ яна
“Рабинг ким?” деб сўрайдур*

*Раббим ишқдур –
Соҳиб маъво,
Соҳиб замин дилоро...*

Шоир ижодидаги “Соғинч салтанати” туркуми Заҳриддин Муҳаммад Бобурга улкан меҳр ва ихлос меваси десак тўғри бўлади. Назаримизда улуғ бобомиз Ҳиндистон диёрида барпо этган “Бобурийлар салтанати” аслида соғинч салтанатидир.

Улуғ ҳукмдор ўзи туғилган макондан келган меҳмондан аввало юрт аҳволини сўрайди:

*Андижон қай аҳволда, Фарғона, Тошканд,
Ёру диёримни кўндан соғиндим,
О тақдир, бунчалар менга бердинг панд,
Яна у бекларнинг кўзлари тўймай,
Давом эттирарми ички низони,
Андижон қаъласи омонми, айтинг,
Эл эслаб турурми Бобур мирзони?*

Бобуршоҳ меҳмон келтирган Хўжанд анори, Мирғилон субҳоний ўриги, тобулғу ёғочидан қилинган камчинни кўриб дарров танийди. Фарғона қовунини кўрган чоғда эса кўзларидаги ёшни тўхтата олмай қолади. Шоҳ Бобурнинг кўзларидан тўкилган ёшлар соғинч ва армон, ҳасрат ва надомат ёшлари эди. Эвоҳ, “Ўзга элнинг шоҳи бўлгандан ўз элнинг гадоси бўл” дегани бежиз эмас эканда.

Муаллиф “Биз сув ичган дарёлар” эссесид айтганидек, Чўлпон дунёга келган Қатортерак маҳалласида туғилган. Қарангки, бу табаррук гўшада Чўлпондан ташқари, Саида Зуннунова, Восит Саъдулла, Мукаррама Муродова каби катта шоирлар, Фаттоҳхон Мамадалиевдек бетакрор ҳофизлар ҳам таваллуд топган экан. Шу ўринда шоир ўзининг наслу насаби – шажарасига тўхталиб, эл оқсоқоли бўлган катта бобоси Ҳожимуҳаммад хожи, бобоси Абулқосимхожи номларини эҳтиром билан тилга олади. Катта боболари Ҳожимуҳаммад замонасининг илмли, халқпарвар, саховатли, ўзига тўқ кишиларидан бўлганини фахрланиб айтади. Бу фахр албатта, китобхонда ҳавас уйғотиши табиий. Бобоси Абулқосимхожи, бувиси Зухрабиби, хожибуванинг яна бир завжалари Сайдинисобувининг эртақ ва ҳикматлари, дадалари Мирзобек, тоғаси Қодиржоннинг “Минг бир кеча”, “Боғу баҳор”, “Иброҳим Адҳам” каби қисса ва достонлари ичида улғайган боладан албатта, шоир чиқади-да.

Ушбу эсседа биз “лутфи ширин, сабрли, шу билан бирга шижоатли, дунёқараши кенг, мулоҳазали, назари тўқ, адабиёт ва мусиқани теран тушунадиган” – она сиймосига дуч келамиз. Бу зот шоирнинг онаизори. Мактабни олтин медал билан тугаллаб, Эргашхон аянинг иккита институтга киргани, аммо оилавий шароит, фарзандлар тарбиясини ўйлаб ўқишни лавом эттиролмаганини қандай тушунасиш? Бундай қурбонлик ва жасоратга фақат ўзбек аёлигина қодир бўлади, десам бовар қилинг.

Ҳовлини райҳон ифорларига тўлдиришни хуш кўрадиган бу она тимсолида мен заҳматкаш, меҳрибон-мунис барча ўзбек оналарининг сиймосини кўра олдим. “Онам эккан райҳонлар” шеърининг минглаб инсонлар кўнгилига кириб боргани боиси ҳам шу бўлса, ажабмас.

*Ҳовлимизга жаннат бўйин таратган,
Саболарга ифор тутган, яйратган,
Кўндан ойу офтобларни қаратган,
Борлигида малакларми, ниҳонлар,
Ризвон экан онам эккан райҳонлар.*

*Бошим қўйсам мен кўксига онамни,
Райҳон иси чулгар эди танамни,
Оҳ, у жаннат тарк этдим оламни,
Япрогига йиглаб тақдим маржонлар,
Фигон экан онам эккан райҳонлар.*

Шоирнинг “Биз сув ичган дарёлар” эссесид аэтироф этилишича, у ҳам Чўлпон дунёга келган маскан – Андижондаги Қатортерак маҳалласининг дилбанди. Унинг шеърят даргоҳига кириб келиши ҳам оддий тасодиф эмас, балки тақдир десак хато бўлмайди. Чунки оққан дарё оқмай қолмас. Минхожиддин Мирзо “Чўлпон” номли шеърида қатагон қурбони бўлган шоир умрининг сўнги лаҳзалари тасвирида, юрагимни суғуриб олсанг-да, офтоб янглиғ кўзимни ўйсанг-да, барибир оламни эгаллаб ололмайсан, дейди жаллодга қарата:

*– Майли олинг, мана юрагим,
Офтоб янглиғ кўзимни ўйинг.
Банд этаман деманг оламни
Кўлингиздан келмайди, қўйинг!*

Душманга тик боқиб, ўлимга юзлашаётган шоир нима учун қурбон бўлаётганини жуда яхши анлагани ҳолда, келгусида жаллодни қандай қисмат қутаётганини ҳам башорат қилади.

*Ўлсам олар ахир бағрига,
Қизгалдоқлар қабримни безар.
Аммо бир кун сиз кўмилсангиз
Иймонсиздан қилади ҳазар.*

*Мана таним, йўқ бўлмас асло,
Кўзимдаги севинчдир – бу ёш.
Аммо, билинг кўлингиз етмас,
Баланддадир эрк деган қуёш.*

*Ўлдирасиз, отасиз ҳали,
Шунга етар фақат кучингиз.
Бир кун қайтиб кетар чоғингиз,
Хорлик бўлсин, олган юкингиз.*

Ҳа, шоир айтганидек, эрк куёшига жаллодларнинг қўли ҳеч қачон етмайди, инсон қалбидаги исённи, эрка ташналикни жаллодлар асло маҳв этолмайди.

Эмишки, соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари Шероз заминига келганда унинг фармонига мувофиқ, Самарқанду Бухорони турк гўзалининг қора холига бахш этган Ҳофиз Шерозийни ҳукмдор ҳузурига олиб келадилар. Жулдур кийимдаги Ҳофизни кўриб Соҳибқирон ваҳожат билан хитоб қилибди:

– Мен бутун жаҳонни эгаллаб, Самарқанду Бухоронинг шухратини бутун рўйи жаҳонга таратган бўлсаму, сен бу шаҳарларни аллақандай гўзалнинг битта холига тортиқ этмишсан. Бунга қандай журъат этдинг?

Ҳофиз бу саволга:

– Тақсири олам, кўриб турганингиздек, хотамлигим боис мана шу аҳволга тушиб қолдим-да, дея жавоб берибди.

Ҳофизнинг ҳозиржавоблиги Амир Темурнинг газабини марҳаматга айлантириб, шоирга бош-оёқ сарпо ва улуфалар инъом этган экан.

Муаллифнинг “Ҳофизга...” номли шеъридаги

*“Нечун энди турк диёрин
У ўзники санар эрмиш.*

*Турк малагин бир холига
Турк кентларин бердим демши.*